

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ САЛМОҒИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сидиков Низомидин Гуломович
Alfraganus university доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мазкур мақолада жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш, давлат бюджети даромадларидаги улушини ошириш, солиқ тўлаши мумкин бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиқ тўлашдаги салмоғини ошириш масалалари ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди. Шунингдек, яширин меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмининг ортиб бораётганлиги, солиқ тўлаши мумкин бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиқ тўлашдаги улуши қисқариб бораётганлиги, келгусида солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш ва пировард натижада давлат бюджети даромадларини оширишни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: мезон, номутаносиблик, пропорционал, хуфёна иқтисодиёт, номинал, оптимал.

Аннотация. В данной статье были изучены и проанализированы вопросы совершенствования налогов на доходы физических лиц, увеличения их доли в доходах государственного бюджета, повышения доли трудоспособного населения, способного платить налоги. Также были разработаны предложения по увеличению объема оплаты за нелегальный труд, сокращению доли трудоспособного населения, способного платить налоги, расширению рядов налогоплательщиков в будущем и, в конечном итоге, обеспечению увеличения доходов государственного бюджета.

Ключевые слова: критерий, диспропорция, пропорциональный, теневая экономика, номинальный, оптимальный.

Annotation. This article examines and analyzes the issues of improving personal income taxes, increasing their share in state budget revenues, and increasing the share of the able-bodied population capable of paying taxes. Also, proposals were developed to increase the volume of payment for illegal labor, reduce the share of the able-bodied population capable of paying taxes, expand the number of taxpayers in the future, and ultimately ensure an increase in state budget revenues.

Keywords: criterion: disproportion, proportional, shadow economy, nominal, optimal.

Кириш. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар турли иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, аҳоли даромадларининг даражасини тартибга солади, фуқароларнинг турмуш тарзи ва жамғарма моделларини шакллантиради,

даромадларини оқилона тақсимлашга ва ижтимоий тафовутларни юмшатишга кўмаклашади.

Ҳозирги вақтда солиқ тизимини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу солиқнинг афзаллиги шундаки, унинг тўловчилари мамлакатнинг деярли барча меҳнатга лаёқатли аҳолиси бўлиб, унинг тушумлари қайта тақсимланмасдан ҳар қандай бюджетга ўтказилиши мумкин.

Айнан даромадларни солиққа тортишнинг оқилона солиқ сиёсати халқ фаровонлиги ва тараққиётини оширишга кўмаклашиши керак. Турли ижтимоий гуруҳлар ва, энг аввало, аҳолининг энг кам ҳимояланган қатламлари, хусусан, пенсионерлар (нафақахўрлар), ногиронлар, кўп болали оилалар ва шу кабиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини тенглаштириш учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиғ тушумлари ҳажмининг номутаносиблиги ҳам бундан мустасно эмас.

Уни пропорционал яъни бир босқичли, текис шкала бўйича ҳисоблаш шунга олиб келадики, амалдаги солиқ сиёсати аҳолининг бой қатламлари даромадларини кам таъминланганлар фойдасига қайта тақсимлаш вазифасини самарали амалга ошира олмайди. Яна бир муҳим масала, мамлакатимиз фуқароларининг минимал ижтимоий эҳтиёжлари даражасини сақлаб қолиш учун йўналтириладиган солиқлар ва йиғимларни йиғиш ҳажмининг пасайиши туфайли давлатнинг солиқ тушумлари ҳажми жиддий равишда камайиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бундай вазиятда, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда, иқтисодий ривожланишга салмоқли салбий таъсир кўрсатаётган хуфёна иқтисодиётга қарши муросасиз курашиш, улар фаолиятини қонунийлаштириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда кўплаб олим ва иқтисодчилар ўзларининг илмий қарашларида фикрларини баён этганлар. Россиялик олимлардан В.Г.Пансков, Қозоғистонлик олима А.Адамбековаларнинг фикрича меҳнатга ҳақ тўлашнинг маданий шаклларини ўрнатишнинг имкони йўқлигини, солиқ органларининг инсофсиз солиқ агентлари фаолиятига қарши туришга қодир эмаслигини, шунингдек иш берувчи томонидан иш ҳақининг ҳақиқий миқдорини яшириш келгусида ходимларнинг пенсия жамғармаларига салбий таъсир кўрсатишлигига эътибор қаратади. Ҳақиқатан ҳам, олимларнинг бу қарашлари жамиятда “Хуфёна иқтисодиёт”нинг мавжудлиги, иқтисодиётдаги актив аҳолининг солиқ тўлашдаги иштироки камлиги, нафақа жамғармаларига таъсир кўрсатиши ва охир оқибат бюджет даромадларининг салмоғига салбий таъсир кўрсатишлиги мумкин.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Ғ.У.Рўзиев аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизимида солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш масалаларига эътибор қаратган. Ж.К.Калимбетов эса тадбиркорликдан олинган даромад улушини юқорилигидан келиб чиққан ҳолда, жисмоний шахслар

даромадларига солиқ солишда фискал ва тартибга солиш нуқтаи назаридан прогрессив солиқ ставкаларини қўлланишини оптимал деб ҳисоблайди. М.С.Усмонов иқтисодий тараққий этган мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб, фуқаролар томонидан ўз даромадларини умумдекларациялаш тажрибасини республикамизда ҳам жисмоний шахслар даромадларини умумдекларациялаш усулида солиққа тортиш таклифини киритади. Шунингдек, И.Юлдашевнинг «Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида ҳам, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини республикамиз амалиётида жорий этиш билан боғлиқ муаммолар тадбиқ этилган. Олимлар томонидан билдирилаётган фикрларнинг аксарият қисми солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш, ҳамда аҳоли даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини қўллаш каби таклифлар билдирилган.


05.09.2002 йилдаги ПФ- 3127 сонли “Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги мазкур қарор амалиётда кўзланган натижани бермади. Бизнинг фикримизча, жисмоний шахслар даромадини декларациялаш тўғрисида янги қонун қабул қилиш, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини жорий қилиш, аҳоли даромадларини солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни ва ижтимоий чегирмани қўллаш мақсадга мувофиқ.

О.И.Изотова ўзининг тадқиқотларида жисмоний шахслар даромадларни солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимум ва айрим чегирмаларни муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослаган ҳолда тўловлар одамларнинг даромад миқдори ва оилавий аҳволига бевосита боғлиқлигини таъкидлайди. Шу ўринда Россия қонунчилигига мувофиқ ГТО нормативларини топширганлик учун янги солиқ чегирмаси берилмоқда. У ГТО меъёрлари топширилган ёки тасдиқланган йилнинг бир ойида бир марта 18 минг рубль миқдорида тақдим этилади. Шунингдек, болалар учун стандарт чегирмалар миқдори оширилмоқда. Унга кўра: болалар учун стандарт чегирма оширилади - иккинчи бола учун 1,4 минг рублдан 2,8 минг рублгача ва учинчи ва ҳар бир кейинги бола учун 3 минг рублдан 6 минг рублгача кўзда тутилган. Жисмоний шахслар даромадини прогрессив шкала бўйича солиққа тортишда чегирмаларнинг қўлланилиши ва кўламини кенгайтириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида назарий, илмий манбалар, статистик маълумотлар, хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш, мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Қуйида келтирилган жадвал орқали жисмоний шахслардан олинадиган даромадларнинг бюджет даромадларидаги улуши, ўсиш суръатларининг жами даромадларга нисбатан қай даражадалиги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ўрганилган.

Қуйида 1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадлари ижроси 2021 йил якуни бўйича 164 799,4 млрд сўмни ташкил қилиб, шундан бевосита солиқларнинг жами даромадлардаги улуши 38,7фоизни, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг жами даромадлардаги улуши эса 11,5 фоизни ташкил қилмоқда. 2021-2024 йил якунлари бўйича жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларнинг бюджет даромадларидаги улуши таҳлил қилинганда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларнинг ўсиш суръатлари сезиларли эмас.




1-расм. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларнинг давлат бюджети даромадларида тутган ўрни²⁵

Масалан, 2024 йилда 1-расмда келтирилган бюджет даромадлари 270 703,2 млрд.сўмга бажарилиб 2021 йилга нисбатан 60,9 фоизга ўсганлигини бироқ, жисмоний шахслар даромадидан олинган солиқлар 2024 йил якунлари бўйича 84 770 млрд.сўмга бажарилиб 2021 йилга нисбатан 49,2 фоизга бажарилганлигини кузатиш мумкин. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотларда аввалги йилларга нисбатан ўсиш суръатлари кузатилаётганлиги, бюджет секторида энг кам иш ҳақи миқдорининг аввалги йиллар билан солиштирганда ўртача 10-15 фоизга ошиши, хусусий секторда ишловчилар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг легаллаштирилиши, солиқ имтиёзларини бекор қилиниши ҳамда ставканинг пасайиши ҳисобига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўсиш динамикаси мавжудлиги келтирилади. Бироқ, давлат ижтимоий сиёсати вазифаларини амалга оширишни таъминлаш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш, яширин меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмининг ортиб бораётганлиги, солиқ тўлаши мумкин бўлган меҳнатга

²⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

лаёқатли аҳолининг солиқ тўлашдаги улуши қисқариб бораётганлиги ҳолатлари мавжудлиги, солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш ва пировард натижада давлат бюджети даромадларини оширишни таъминлаш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ислоҳ қилиш муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида деярли сўз юритилмайди. Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда тўла ишонч билан айтиш мумкинки яширин меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмини очиклаштириш туфайли бюджетга бир неча триллион маблағ тушиши мумкинлиги ўрганилган.



2-расм. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг солиқ тўлашдаги иштироки²⁶

2-расмдаги маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2021 йил 1 январь ҳолатига меҳнат ресурслари 19,1 млн. киши, иқтисодий фаол аҳоли 14,8 млн. киши, жами иш билан бандлар 13,2 млн. киши, шундан иқтисодиётнинг расмий секторида 5,7 млн. киши (43,3%), иқтисодиётнинг норасмий секторида 5,6 млн. киши (42,8%) ва чет элда ишлаш учун кетганлар 1,8 млн. кишини ташкил қилди. Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан норасмий секторда банд бўлганларларнинг ўртача ойлик иш ҳақи расмий иш ҳақиға тенг бўлган тақдирда, давлат бюджети солиқ тушумларидан бир неча триллион сўм олмаганлигини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлигининг 2024 йил 31 майдаги 122-сонли қарори билан тасдиқланган “Иқтисодиётда иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услубий низом”га²⁷ мувофиқ ўрганилаётган йиллар бўйича норасмий секторда қайд этилган аҳоли сонига нисбатан номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи бўйича ҳамда қонунда белгиланган солиқ ставкаси бўйича ҳисоб китоб қилинганда бюджет

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Пресс-Релиз 27.04.2025. Ўзбекистон Республикасида ўртача ойлик иш ҳақи.

қанча сўм олмаганлигини қуйидаги жадвалда келтирилган рақамлардан кўриш мумкин.

Жадвал

Иқтисодиётнинг норасмий сектори ҳисобига бюджетга тушмаган солиқ суммаси²⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар			
	2021	2022	2023	2024
Норасмий секторда банд бўлганлар сони (млн.киши)	5,6	5,8	5,5	5,5
Ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўм)	2 876,4	3 417,5	4 105,8	4 911,1
Бир ойлик иш ҳақи (1 қатор х2 қатор млрд.сўм)	16 107,8	19 821,5	22 581,9	27 011,0
Йиллик иш ҳақи суммаси (млрд.сўм)	193 294,1	237 858,0	270 898,2	324 132,6
Йиллик иш ҳақи суммаси х 12% солиқ ставкаси (млрд.сўм)	23 195,3	28 542,9	32 517,9	38 895,9

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2024 йилда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 4 911,1 минг сўмни, норасмий секторда банд бўлганлар 5,5 миллион кишини, йиллик иш ҳақи суммаси 324 132,6 миллиард сўмни ташкил қилган ҳолда ($324\,132,6 \times 12\% = 38\,895,9$) давлат бюджети даромадларига 38 895,9 миллиард сўм ёки 2021 йилга нисбатан салкам 1,7 баробарга 2022 йилга нисбатан эса 1,37 баробар миқдорда қўшимча солиқ тушуми бўлиши мумкин эди.

Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохатлар хусусан солиқ соҳасидаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ оптимал солиқ сиёсатини жорий қилиш орқали юқорида санаб ўтилган муаммоларга ечим топиш мумкин.

Прогрессив солиқ тизими – даромад миқдорининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг ҳам ошиб боришига асосланган. Яъни қанча кўп даромад олинса, солиқ ставкаси ҳам шунча баландроқ бўлади. Бундай тизимнинг асосий мақсади ижтимоий адолатга таяниб, кўпроқ пул топадиганлар солиқларни ҳам юқори ставкада тўлашлари керак. Прогрессив шкала жамиятда бойликни қайта тақсимлаш ва иқтисодий тенгсизлик даражасини пасайтириш имконини беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, жисмоний шахслар даромадига солиқ солишда солиқ ундирилмайдиган минимал даромад суммасини киритилиши ҳамда ижтимоий ва инвестицион кўринишдаги солиқ чегирмалар қўлланилиши, ўз навбатида аҳолининг турли қатламлари даромадларини қайта тақсимлаш асосида солиққа тортишда яширин прогрессияни таъминлаш ва адолатлилиқни мустаҳкамлаш инструменти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам 2019 йилгача жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш бўйича 7,5 фоиздан 22,5 фоизгача бўлган

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

табақалаштирилган тизим амал қилган. Прогрессив шкалани тўлиқ ишлаши ва ўз самарасини бериши чегирмаларнинг қай даражада қўлланишига боғлиқ.

Хулоса. Соҳага оид адабиётлар, мутассадди вазирлик ва идораларнинг маълумотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар аниқланди: Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни бюджет даромадларидаги улушини ошириш ва хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш мақсадида қуйидаги хулоса шаклланди:

биринчидан, жисмоний шахслар даромадини декларациялаш тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонун қабул қилиш;

иккинчидан, яширин иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва хуфёна иқтисодиётдаги коррупцион ҳолатларга қарши курашани такомиллаштириш ва хуфёна иқтисодиёт даражасини камайтириш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

учинчидан, аҳолининг бой қатламлари даромадларини кам таъминланганлар фойдасига қайта тақсимлаш вазифасини солиққа тортишнинг прогрессив шкаласини жорий қилиш орқали эришиш;

тўртинчидан, реал камбағаллик даражасини аниқлаш, кам таъминланган аҳоли қатламига солиқ чегирмаларини чегарасини кенгайтириш орқали жисмоний шахслар даромадининг бюджет даромадларидаги улушини оширишга эришиш мумкин деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (амалдаги таҳрири). – Т.: Norma, 2024.
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоботлар (2021–2024 йиллар).
3. "Иқтисодиётда иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услубий низом" – ЎзР Статистика агентлигининг 2024 йил 31 майдаги 122-сонли қарори.
4. Адамбекова.А. Какие есть плюсы и минусы пропорциональной и прогрессивной ставок ИПН.
5. Изотова О. (2015) Перспективы реформирования налога на доходы физических лиц как инструмента социальной политики государства.
6. Калимбетов.Ж.К. Жисмоний шахсларни прогрессив ставкада солиққа тортишни моделлаштириш.
7. В.Г.Пансков. О принципах налогообложения физических лиц // Финансы. 2008. № 1.
8. Рўзиев.Ғ.У. Аҳоли даромадларини солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш масалалари.
9. Усмонова.М.С. Жисмоний шахслар даромадларини умумдекларация усулида солиққа тортишнинг долзарблиги.
10. Юлдашев.И. Жисмоний шахслар даромадларини умумдекларация усулида солиққа тортишнинг долзарблиги.